

Фикҳ дарслари (30-дарс). Ҳукм оятлари тафсири



21:10 / 24.04.2019 4270

Фикҳга оид китобларга ҳукм оятлари тафсирига бағишланган китоблар ҳам қўшилади. Бунда тафсирчи қайси фикҳий мазҳабга мансуб бўлса, ояти карималарни ўша мазҳаб йўналишида тафсир қилган бўлади. Мазкур йўналишга оид китоблардан баъзиларини кўриб чиқайлик.

1. «Аҳкомул Қуръон лиш-Шофеъий».

Бу китоб улуғ имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис Шофеъийга нисбат берилади. Китобни имом Абу Бакр Аҳмад ибн Ҳусайн Байҳақий имом Шофеъий ва у кишининг шогирдларининг китобларидан жамлаган. Унда ички китоб ва боблар йўқ. Оятларнинг тафсири масалалар сифатида берилган.

2. «Аҳкомул Қуръон ли Жассос».

Бу китобнинг муаллифи Абу Бакр Аҳмад ибн Али Розий Ҳанафийдир. У киши Жассос лақаби ила машҳур. Ҳижрий 380 санада вафот этган.

Бу китоб тўлиқ тафсир ҳисобланади. «АҳкомулҚуръон ли Жассос» ҳанафий мазҳаби бўйича аҳком оятлари тафсири бўйича энг асосий китобдир. Унда муаллиф ҳанафий мазҳабига алоҳида эътибор қилган, у мазҳабнинг далилларини келтирган, фикҳий масалаларга ва имомлар орасидаги хилофларга узоқ тўхталган. Ҳар бирининг далилини батафсил келтирган.

Жассос ўзининг бу тафсирида мўътазилий мазҳабига мойил бўлиб кўринади.

Ҳанафий мазҳабидаги аҳком оятлари тафсирлари орасида «Тафсироти Аҳмадия» китоби ҳам машҳур.

3. «Аҳкомул Қуръон ли Ибн Арабий».

Бу китобнинг муаллифи моликий мазҳаби намояндаси Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Андалусий Моликийдир. У «Ибн Арабий» лақаби ила машҳур. Ҳижрий 543 санада вафот этган.

Бу китоб Қуръони каримнинг тўлиқ тафсири бўлиб, фикҳий тафсир ҳисобланади. Муаллиф ҳар бир сурани зикр қилгандан сўнг ундаги аҳком оятлари сонини ҳам айтади. Кейин сурани оятма-оят тафсир қилишга киришади. Фикҳий масалаларнинг ҳар бирини батафсил баён қилади. Бу китоб фикҳий тафсир бўйича, хусусан, моликий мазҳабида мўътабар манба ҳисобланади.

«Аҳкомул Қуръон ли Ибн Арабий» китобида оятларнинг маъносини баён қилишда тилга алоҳида катта эътибор берилган. Ҳукм чиқаришда ҳадисларга ҳам суянилган. Ҳадисларнинг ривоятчилари келтирилган, заиф ҳадислардан ва исроилиётлардан четланилган. Бу ниҳоятда мўътабар китоб бўлиб, кўп уламолар, жумладан, имом Қуртубий ҳам ўзининг тафсирида ундан фойдаланган.

“Фикҳий йўналишлар ва китоблар” китобидан